

8-10-2019

## SOCIAL AND PEDAGOGICAL BASIS OF PEDAGOGICAL EDUCATION PERSONALIZATION OF PEDAGOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Surayo Salohiddinovna Rakhimova

*Independent Researcher of the Institute of retraining and advanced training of the state education system  
named after Avloni*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Rakhimova, Surayo Salohiddinovna (2019) "SOCIAL AND PEDAGOGICAL BASIS OF PEDAGOGICAL EDUCATION PERSONALIZATION OF PEDAGOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 4 , Article 74.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss4/74>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

**SOCIAL AND PEDAGOGICAL BASIS OF PEDAGOGICAL EDUCATION  
PERSONALIZATION OF PEDAGOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Рахимова Сурайё Салоҳиддиновна

А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада илмий-техник тараққиёт натижасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ахборотлар оқимининг ортиб бориши; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйилаётган замонавий - касбий малака талаблари; инновацион таълим муҳити республикамизда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнидаги муҳим вазифаларидан бири педагог кадрларнинг юқори касбий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаш ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини модернизация қилиш билан боғлиқ фикрлар илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий - асослари изчил ўрганиб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** инновацион таълим, ҳуқуқий-меъёрий - асос, таълим, фан, малака ошириш, педагог, модернизация, узлуксиз таълим тизими, мактабгача таълим, жамият, ислоҳот, таълим, тарбия, соғлом генофонд.

## СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ОСНОВА ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПЕРЕКВАЛИФИКАЦИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Рахимова Сурайё Салоҳиддиновна

Независимый научный сотрудник Института переподготовки и повышения квалификации государственной системы образования имени Авлони

**Аннотация:** В этой статье освещается рост потока информации в сфере образования, науки и промышленности за счет научно-технического прогресса; современные требования к профессиональным навыкам для переподготовки и повышения квалификации; Инновационная образовательная среда Одной из важнейших задач в процессе реформирования деятельности дошкольных образовательных учреждений нашей республики является обеспечение высокой профессиональной подготовки педагогических кадров и модернизация деятельности дошкольных образовательных учреждений. В статье также анализируются правовые основы реформирования дошкольных образовательных учреждений.

**Ключевые слова:** инновационное обучение, нормативно-правовая база, образование, наука, профессиональное развитие, педагогика, модернизация, непрерывное образование, дошкольное образование, общество, реформа, образование, образование, здоровый генофонд.

## SOCIAL AND PEDAGOGICAL BASIS OF PEDAGOGICAL EDUCATION PERSONALIZATION OF PEDAGOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Rakhimova Surayo Salohiddinovna

Independent Researcher of the Institute of retraining and advanced training of the state education system named after Avloni

***Abstract.** This article highlights the rise of education, science and industry information flow through scientific and technical progress; up-to-date professional skills requirements for retraining and advanced training; innovative educational environment One of the most important tasks in the process of reforming the activities of preschool educational institutions in our republic is to provide high professional training of pedagogical staff and to modernize the activities of preschool educational institutions. The article also analyzes the legal framework for reforming preschool educational institutions.*

***Key words:** innovative learning, legal-normative-foundation, education, science, professional development, pedagogy, modernization, continuous education, preschool education, society, reform, education, healthy gene pool.*

Янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган, бир сўз билан айтганда замон талабларига жавоб бера оладиган ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Таълимнинг моҳияти маълум ҳажмдаги билимларни узатиш (трансляция) билан чегараланмасдан, балки инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланиши жараёни мантиқи билан белгиланади. Таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга қатта аҳамият бериш бугунги куннинг долзарб ва устувор масаласидир. Бу жараёни амалга оширишда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан узвий боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни тайёрлашда таълим муассасалари фаолиятига оид ҳуқуқий - меъёрий асослари дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Юртимизда амалга оширилаётган сиёсий-мафқуравий, маънавий- маърифий, ижтимоий - иқтисодий ислохотлар мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсади - бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш ва фуқаролик жамият қуришга ижтимоий йўналтирилган кучли демократик давлат барпо этиш учун тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, шубҳасиз ўз мазмун моҳиятига кўра фақат таълим - тарбия тизимини, кадрлар тайёрлаш жараёнларини ислох қилиш билангина чегараланиб қолмасдан, узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг келажакдаги ривожланиши учун юксак ижтимоий аҳамият касб этади.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган

даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида мактабгача таълим муассасасида олган таълим ва тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон - бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади” [1]. Ушбу ишлардан кўзда тутилган асосий мақсадга эришишнинг энг зарур шартларидан бири эса педагог кадрларнинг юқори касбий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаш ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини модернизация қилиш билан боғлиқдир. Ҳозирда ушбу тизимни, хусусан, унинг мазмунини такомиллаштириш йўналишида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида мактабгача таълим мазмунини замонавий талабларга мослаштириб бориш соҳасидаги мавжуд илғор тажрибаларни ва иш усуллариини ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда ушбу соҳа раҳбар ва педагог кадрларига етказиш мақсад қилиб олинган. Ушбу мақсадларни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”-ги 528 - сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 929 - сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг

марказий аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3378-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда ушбу қарор ва фармонларни амалиётга тадбиқ қилиш соҳа вакилларида катта масъулият талаб этади.[2; 3;]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган дастурни ўз ичига қамраб олган. [5] Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича мўлжалланган ушбу дастурда кенг қўламли стратегик мақсадлар, муҳим вазифалар белгилангани билан аҳамиятлидир. Ушбу қарор тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳозирда мазкур соҳадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилаётган эътибор замирида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Бугунги кунда қуйидаги кенг қўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

- инновацион педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

- мамлакатимизда мавжуд мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиа воситалар билан таъминлаш каби ғоялар илгари сурилган.

Комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга эришилади:

- мактабгача таълим сифатини ошириш;
- мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш;

- таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

- мактабгача таълим муассасаларини жаҳон стандартлари асосида жиҳозлаш;

- мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш;

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шакларини, педагогик ва ахборот технологияларини, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масалаларига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларига мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026 - сонли Қарори [6 ] ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларни бутунлай янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилади.

Юқорида келтириб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши ушбу тизим самарадорлигини таъминлайди:

- педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

- ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни таъминлаш;

- педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларининг илмий муаммоларига йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

- ҳудудий марказларда дарс берадиган профессор-ўқитувчилар таркибининг касбий тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириб бориш, ўқув жараёнига хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни жалб этиш ишларини ташкил этиш;

- ҳудудий марказлар фаолияти натижадорлигини мунтазам ўрганиб бориш ва ўрганиш натижалари юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳудудий марказлар раҳбарларининг ҳисоботлари муҳокамасини ташкил этиш, муҳокама натижалари юзасидан ҳудудий марказлар раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш.

Ушбу ҳужжатлар мактабгача таълим педагог ходимларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш ҳамда такомиллаштиришнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб бериш мақсадида қабул қилинган.



Мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда ушбу қарор ва фармонларни амалиётга тадбиқ қилиш соҳа вакилларида катта масъулият талаб этади.

Юқорида келтирилган фармон ва қарорлар мактабгача таълим муассасаларини моддий техника ва ўқув моддий базасини тубдан яхшилаш, мактабгача таълим давлат талаблари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, педагог ходимларнинг профессионал салоҳиятини кўтариш чора-тадбирларини амалга ошириш билан бирга "... тарбиячилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш" [ 4] вазифасини қўйди. Тарбиячиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўз навбатида, соҳада бир қатор структуравий, ташкилий-педагогик чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда қайта тайёрлаш ва малака ошириш мазмунини таълимдаги ислоҳий ўзгаришлар ва янгиликлар талаби даражасида қайта қараб чиқишни, керак бўлса янгилашни тақозо этади.

Мактабгача таълим муассасаларининг характерига кўра таълим-тарбия мазмунини шахсни ижтимоийлаштириш, ижтимоий онг ва тафаккурини, дунёқара-шини ривожлантириш доирасида ишлаб чиқиш давр талабидир. Бу ўринда болаларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, муассаса жойлашган географик муҳит, толерантлик тамойиллари, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги ҳамда демографик вазият инобатга олинмоғи мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, таълим-тарбия мазмунини замон талабларига мос шакллантиришда дунёдаги глобаллашув жараёни тамойиллари, хорижий илғор тажрибалар, мутахассис олимларнинг илмий-назарий, методик характердаги ғоялари ва қарашларига таянилади.

Мактабгача таълим муассасалари мазмунини шакллантиришда албатта педагогик ва психологик қонуниятлар, тамойиллар, шарт-шароитлар, омиллар ва бошқалар инобатга олинмоғи зарур. Бу ўринда болалар онгига сингдириладиган таълимий ва тарбиявий материалларнинг илмий назарийлиги, соддалиги, таъсирчанлиги, қизиқарлилиги, болалар ёшига мослиги, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш даражаси, миллий ментолитет хусусиятларининг мавжудлиги ва бошқаларнинг таъсири педагогик диагностика асосида назарга олинади.

Мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия мазмунини болаларга сингдиришда инновацион таълим технологияларидан, интерактив усуллардан, таълимнинг дидактик ва кўргазмали воситаларидан унумли фойдаланиш бу борадаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш гаровидир.

Дарҳақиқат, мазкур масала самарадорлигини таъминлашда мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб борадиган тарбиячи – педагогларни инновацион таълим технологиялари ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим, малака ва кўникмаларини доимий ва узлуксиз малака ошириш механизмининг такомиллаштириш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим-тарбия мазмуни оила-мактабгача таълим муассасаси



–маҳалла–кенг жамоатчиликнинг ижтимоий педагогик ҳамкорлиги ҳамда жамоатчилик назорати асосида амалга оширилиши зарур;

мактабгача таълим муассасаси мазмуни доимий ўрганиш, назорат қилиш, мониторинг қилиш ҳамда натижани баҳолаш, таҳлил этиш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш тизими асосида алгоритмлаштириш билан амалга оширилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларига таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ҳукуматимиз томонидан бу борада амалга оширилаётган муҳим ишлар самарадорлигини таъминлаш гаровидир. Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув муҳитидан фойдаланиш кўламини такомиллаштириш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини модернизация қилиш зарурати юзага келди.

Демак, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини такомиллаштиришда педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурлари мазмунига ўзгартиришлар киритиш, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини, улар фаолиятини аттестациядан ўтказиш тартиб-қоидаларини тартибга солишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни иноватга олган ҳолда такомиллаштириш вазифаси белгилангани бежиз эмасдир. Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда фарзандларимизнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, мактабгача таълим муассасаси педагог-тарбиячиларининг малакасини ошириш борасидаги мавжуд тажрибаларни замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришимиз зарур.

#### **References:**

1.Mirziyoev Sh. Maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirishga bag'ishlangan yig'ilishdagi ma'ruzadan. YOshlar press klubi – "Ma'rifat" gazetasi. 2017 yil 1 noyabr. - № 87 (9048).

2.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 26 sentyabrdagi "Pedagog kadrlarni tayyorlash, xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3289-sonli Qarori. [htt.www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 9 sentyabrdagi "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora - tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3261-sonli Qarori. [htt.www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 19 iyuldagi "Maktabgacha ta'lim muassasalarining faoliyatini takomillashtirish to'g'risida"gi 528 - sonli Qarori. [htt.www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 21 noyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi to'g'risidagi nizomni hamda Maktabgacha ta'lim muassasalari rahbar va mutaxassislarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti ustavini tasdiqlash haqida"gi 929 - sonli Qarori. [htt.www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 28 dekabrdagi "Pedagog xodimlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1026 - sonli Qarori [htt.www.lex.uz](http://www.lex.uz)